

## **ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ**

### **Умумий қоидалар**

“Зарур амалиётлар маркази” ДУКга (кейинги ўринларда Марказ) жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъи назар, ўзининг касбий, ишчанлик, шахсий ва ахлоқий фазилатлари, маълумоти даражаси ва соғлифига кўра тегишли лавозимга юқлатилган вазифаларни бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ўрнатилган тартибда хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қабул қилинади.

#### **Қуйидагилар Марказга ишга қабул қилиниши мумкин эмас:**

ўн олти ёшга тўлмаган шахслар;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

Марказда ишлаб турган ходим билан яқин қариндош ёки қуда-андада бўлса (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, фарзандлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари), агар ишга қабул қилинаётган ёки тайинланаётган лавозим улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қилишни тақозо қилса;

ишга кириш учун соxта хужжатлар ёки била туриб ёлгон маълумотлар тақдим этган бўлса;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳолатлар.

#### **Танлов ўtkазиш ва унда иштирок этиш тартиби**

“Зарур амалиётлар маркази” ДУКга ходимларни ишга қабул қилиш очик танлов асосида амалга оширилади.

1. Вакант лавозим бўйича танловга эълон бериш;
2. Номзодларни малака талабига мослиги бўйича ўрганиш;
3. Суҳбат.

Марказда бўш (вакант) лавозимларга танлов ўтказиши ҳақидаги эълон ишчи орган томонидан раҳбар билан келишилган ҳолда Тизим орқали Марказнинг расмий [uzpharm-gxp.uz](http://uzpharm-gxp.uz) веб-сайтига жойлаштирилади. Зарурат пайдо бўлганда, эълон оммавий ахборот воситаларига хам жойлаштирилиши мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзод Марказнинг uzpharm-gxp.uz веб-сайти орқали қуидагиларни Тизимга бириттириши лозим:

- шахсий варагаси(маълумотнома-объективка/резюме), шахсий электрон почтаси кўрсатилган бўлиши керак;
- шахсий варагаси(маълумотнома-объективка/резюме)га қўшимча тарзда чет элда ўқиган бўлса, дипломи тан олиш ва ностификациядан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларининг битирувчи курсларида таълим олаётганлар бундан мустасно;
- фуқаролик паспорти ёки идентификация ID картаси.

Номзод бўш (вакант) лавозимларга танлов ўtkазиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган лавозимларнинг учтасини танлаши ва танланган лавозим бўйича танловда иштирок этиш мумкин. Бир вақтда эълон қилинган бир нечта вакант лавозимни эгаллаш учун танловда иштирок этаётган номзод танловнинг сұхбат босқичида фақат бир марта қатнашиши мумкин.

Танлов ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида танлов бўладиган кундан камида беш кун олдин номзодга унинг электрон почтасига хабарнома юборилади.

Танлов босқичлари ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар танловдан четлаштириладилар.

Номзод ушбу қоидаларда назарда тутилган талабларга мос келмагандан, ишга кириш учун ҳужжатлар ўз вақтида тўлиқ Тизимга бириттирилмаганда ёки била туриб сохта ҳужжатлар ёхуд ёлғон маълумотлар тақдим этилган тақдирда номзодни ишга қабул қилиш рад этилади.

**Сұхбат жараёни:**

Сұхбат танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Сұхбатда танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли хисобланади..

Сұхбат натижалари бўйича номзодлар ҳар бир танлов комиссияси аъзоси томонидан 100 баллик тизим асосида баҳоланади..

Сұхбат натижасига кўра энг юқори ўртacha балл тўплаган номзод танлов ғолиби деб топилиб, Танлов комиссияси баённомаси билан тасдиқланади. Бунда, танлов ғолиби деб топилган номзоднинг ўртacha бали 56 баллдан паст бўлиши мумкин эмас.

## **Номзоднинг шикоят қилиш хуқуқи**

Номзодлар танлов комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун муддатда танлов натижалари бўйича комиссия қарори устидан Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлигига ёки судга шикоят қилиш хуқуқига эгалар.